

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 115 (1176), 2024 йил 12 июнь, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН МАДАНИЙ АЛМАШИНУВ ЯНАДА КЕНГАЙИШИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июнь куни Озарбайжон маданияти кунларини ўтказиш доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Озарбайжон Республикаси маданият вазири Адил Каримлини қабул қилди.



Учрашув аввалида Адил Каримли давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломлари ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини, шу жумладан, устувор ҳисобланган гуманитар соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз етакчиси сўнгги йилларда маданий алмашинув фаоллашганини катта мамнуният билан қайд этди.

Жорий йил бошидан буён Боку шаҳрида Ўзбекистон илм-фани ва маданияти кунлари, кўргазма ва “Лазги” миллий балети премьераси муваффақлиқ ўтказилди.

Озарбайжон маданияти кунлари доирасида шоир ва мутафаккир Муҳаммад Фузулий китобининг тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, кўргазма, саҳна асарлари намойишлари ва бошқа тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

“Йўл харитаси” асосида фаол мулоқотни ва тадбирларга бой маданий дастурни давом эттириш, ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ ва АЙСЕКСО каби халқаро ташкилотлар доирасида қўшма ташаббус ва лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июнь куни Америка Қўшма Штатларининг Савдо вакили Кэтрин Тайни қабул қилди.

Америка идораси раҳбари Ўзбекистон етакчисига АҚШ Президенти Жо Байденнинг саломлари ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Учрашув давомида икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ишбилармонлик алоқалари фаоллашгани, ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар кўрсаткичлари барқарор ўсётгани мамнуният билан қайд этилди.

АҚШнинг “Air Products”, “Coca-Cola”, “Citibank”, “Visa” ва бошқа кўплаб

етақли корхоналари ва банклари билан

кооперация алоқалари ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши, GSP тизимини қайта тиклаш, “C5+1” формати ҳамда Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадди битим доирасида амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Саноат кооперацияси учун янги соҳаларни аниқлаш ва тегишли лойиҳаларни илгари суриш бўйича қўшма платформа нишга тушириш муҳим экани таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ Тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда меҳр-оқибат, бағрикенглик, мурувват, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу тамойилларни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ушбу қутлуг айёмни муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғоялари ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2024 йилда муборак Қурбон Ҳайитининг биринчи куни 16 июнь — **якшанба** кунига қўйиб келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, нуртимизда 16 июнь кунини Қурбон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қуйидагилар:

а) Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ:

ишланмайдиган байрам кунини ҳисобланувчи Қурбон Ҳайитининг биринчи кунини дам олиш кунига қўйиб келиши муносабати билан ушбу дам олиш кунини 17 июнь — **душанба** кунига қўйиб келиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 22 декабрдаги “2024 йилда расмий саналарни нишонлаш

даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини қўйириш тўғрисида”ги ПФ-213-сон Фармони билан 18 июнь — **сешанба** кунини барча ҳодимлар учун қўшимча дам олиш кунини эътиборга олинганлиги таъкидланди.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда муборак Қурбон Ҳайитини халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм қўмитаси Транспорт вазири билан биргаликда юрдошларимиз учун муборак Қурбон Ҳайити кунларини **мўъттабар зияратлар ва тарихий қадимжоларга зияратларни ташкил этиш** мақсадида қўлай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мақор қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 11 июнь

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА Бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль 13-15 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — Корея дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Савдо, инновациялар ва технологиялар алмашинуви, энергетика, электроника ва электротехника, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмавий ривожланиш ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари эътибор марказида бўлади. Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларидаги қўшма дастурлар муҳокама қилинади.

Шунингдек, минтақавий, шу жумладан, “Марказий Осиё — Корея Республикаси” форматидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашиш режалаштирилган.

Саммит якуни бўйича бир қатор ҳуқуқатлар ва идораларо ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари қўшма бизнес-форумида иштирок этадилар.

Президент Юн Сок Ёль мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий мероси билан танишиш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюради.

ЎЗА

Ўзбекистон — Корея Республикаси: Кўп асрлик дўстлик алоқаларига содиқлик ва алоҳида стратегик шериклик йўлида

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль 13-15 июнь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.

1992 йил 29 январда ўрнатилган Ўзбекистон — Корея Республикаси дипломатик муносабатлари икки давлат ўртасида турли соҳалардаги муваффақиятли ҳамкорлик намунаси бўлмоқда. Ўттиз йилдан ортиқ давом этиб келаётган ўзаро яқин алоқалар бир неча асосий босқичлардан ўтиб

ривожланди ва мустаҳкамланди. 2006 йилда икки давлат ўртасида Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланган бўлса, 2019 йилда маданий алоқаларни кенгайтириш стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗАРБАЙЖОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли меҳмонлар!
Азиз ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, бугунги улкан воқеа — Ўзбекистонда Озарбайжон маданияти кунларининг тантанали очилиши билан барчангизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизларга яхши маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланиб, мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда.

Бунинг барча соҳалар қатори маданий-гуманитар йўналишдаги алоқаларимиз ҳам изчил ривожланиб бораётгани мисолида барчамиз яққол кўриб турибмиз.

Озарбайжон Республикаси Президенти, азиз қардошим Илҳом Гейдарович Алиев билан келишувларимиз асосида ўтган йили Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари, шу йил январь ойида эса Ўзбекистон фани ва маданияти кунлари юксак савияда ўтказилди.

Қадимий Озарбайжон заминидан ўзбекистонлик илм-фан ва маданият намоёндалари катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олингани, бу дийёра бўлиб ўтган қизгин ва самимий учрашув ҳамда мулоқотлар, ҳеч шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги азалий қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Биз Ўзбекистонда ўтказилаётган Халқаро мақом санъати анжумани, Бахшичилик ва “Лазги” фестивалари ҳамда бошқа йирик маданий

тадбирларда Озарбайжон ижодкорлари мунтазам иштирок этиб келаётганини юксак қадрлаймиз.

Озарбайжонда миллий мугом санъати бўйича бўлиб ўтадиган анъанавий фестивалга ўзбек санъаткорлари доимий таклиф этиб борилаётгани алоҳида диққатга сазовордир.

Мамлакатимизда катта шоду хуррамлик билан бошланаётган Озарбайжон маданияти кунлари қардош озар заминидан бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунларининг узвий давомидир.

Ишончим комил, бизнинг санъатсевар халқимиз орзиқиб кутган ушбу маданият кунлари қардошларимизнинг қадимий ва бой маданияти, санъати, адабиёти, миллий анъана ва қадриятлари билан янада яқинроқ танишиш учун қўлай имкониятлар берадиган гўзал бир анжуман бўлади.

Сиз азиз, Озарбайжон маданияти кунларининг барча иштирокчиларини яна бир бор чин дилдан қўллаб, барчангизга сизхат-саломатлик, юксак ижодий парвозлар тилайман.

Сизлар ушбу маданият ва санъат байрами доирасида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар билан халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти билан янада яқинроқ танишасизлар, деб ишонаман.

Қардошларингиз дийри — Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Акмал САИДОВ:

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ Бўйича САМАРҚАНД ФОРУМИ ДУНЁ МИҚЁСИДА НОЁБ ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ”

Жорий йил 13-14 июнь кунлари мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми бўлиб ўтади. Бу галги анъанавий халқаро анжуман “Экологик муаммолар: ўзгарувчан дунёда инсон ҳуқуқлари келажаги, барқарор ечимлар топиш” мавзусига бағишланган.



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ушбу форумнинг асосий миллий ташкилотчиларидан бирidir. Миллий марказ директори, академик Акмал САИДОВ билан анъанавий халқаро форумнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Жорий йил Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумига асос солинганига 6 йил бўлди, — деди

А.Саидов. — Анъанавий таразда ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган ушбу халқаро анжуман қисқа вақт ичида инсон ҳуқуқларининг турли соҳаларига тааллуқли долзарб масалаларни муҳокама этиш ва натижалари ечимлар топиш борасида дунё миқёсида кам учрайдиган ноёб ва самардор, қўлай ва ўзига хос мулоқот майдонига айланди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон ва дунё



Ўзбекистон — Корея Республикаси:

Кўп асрлик дўстлик алоқаларига содиқлик ва алоҳида стратегик шериклик йўлида

Бошланиши 1-бетда

Бу босқичлар чуқур тарихий алоқаларни акс эттиради ва ўзаро алмашинувларнинг юқори динамикаси билан ажралиб туради. Олий даражадаги ташрифларнинг мунтазам алмашинуви Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатлари ҳар икки томон учун муҳимлигини далolat беради. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва глобал масалаларни муҳокама қилиш учун учрашди. Мазкур учрашувлар турли соҳаларда ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш ва ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда ҳамда муҳим шартнома ва меморандумлар имзоланишига замин яратмоқда.

Парламентлараро ҳамкорлик Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатларида муҳим ўрин тутади. Икки мамлакат парламентарийларнинг мунтазам учрашуви ва делегациялар алмашинуви ҳамкорликнинг қонуний базасини ривожлантириш ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда парламентлараро дўстлик гуруҳлари ўзаро тажриба алмашишда фаол иштирок этаётди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси турли халқаро ташкилотлар ва форумлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бундай кўп томонлама музокаралар глобал ва минтақавий масалаларни ҳал этишда сайёҳатчиларни мувофиқлаштириш, халқаро майдонда ўз позицияларини мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ташаббусларни биргаликда илгари суриш имконини беради.

Расмий Сеул халқаро майдондаги ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”, “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018), “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” (2019), “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги (2022) резолюцияларни қўллаб-қувватлади.

Шунингдек, 2021-2023 йилларга мўлжалланган БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига Ўзбекистон номзодини, шунингдек, 2023 йилда Жаҳон сайёҳлик ташкилати (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-сессияси ўтказиладиган жой сифатида Самарқанд шаҳри номзодини ёқлаб овоз берди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик сезиларли ривожланишни кўрсатмоқда. 2023 йилда икки давлат



ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2,3 миллиард долларни ташкил этгани ўзаро манфаатдорлик даражаси юқори эканидан далolat беради. Жумладан, Корея Республикаси компаниялари Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция қилишда пешқадамлардан бири. Улар энергетика, қурилиш, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни амалга оширишда муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда ушбу мамлакат капитални иштирокида 700 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

2024 йилда Сеул шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши икки томонлама иқтисодий муносабатлар тарихидаги муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда мазкур савдо уйи Ўзбекистон товар ва хизматларини Корея Республикаси бозорига илгари суриш, икки давлат тadbиркорлари ўртасида ишбилармонлик алоқаларини ўрнатish учун муҳим майдонга айланган. Савдо уйи, шунингдек, Ўзбекистон маҳсулотларининг Корея Республикасига экспортини ривожлантиришда

муҳим ўрин тутади, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Корея — Ўзбекистон ишбилармонлар ассоциацияси ҳам иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим воситаси сифатида тadbиркорлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бизнес-форумлар, кўргазмалар, семинар ва бошқа халқаро тadbирларни ташкил этаётди. Ассоциация икки мамлакат ишбилармонларига янги ҳамкорлар топиш, тажриба ва бозор тенденцияларини бўйича маълумот алмашишда ҳам яқиндан кўмаклашапти. Бу эса ўзаро ишончли мустаҳкамлаш ва ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимизда Ўзбек — Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопарки, Ўзбекистон — Корея нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар илмий-технологик, Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик, Ўзбекистон — Корея Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт ҳамкорлик марказлари ташкил этилган. Шунингдек, Корея томони

Миллий электрон тижорат платформасини ишга туширишда кўмак берди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик кенг қўлам касб этган. Ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этган тўғридан тўғри инвестициялари ҳажми 7,5 миллиард доллардан ошди.

Жанубий Корея, шунингдек, Ўзбекистонга молиявий ва техник ёрдам кўрсатяпти. Жумладан, Корея Республикаси “Эксимбанк” билан ҳамкорлик доирасида 1999 йилдан буён умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 17 та қўшма лойиҳа амалга оширилди.

2020 йил декабрь ойида Корея Республикаси ҳукумати БМТнинг Орёлбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик Траст фондига 1 миллион АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги келишувни имзолади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик чуқур илдизга эга. Икки халқнинг маданияти, менталитетининг ўхшашлиги мазкур соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатларининг муҳим йўналиши таълим ва фан соҳаларидаги алоқалардир. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари Жанубий Кореянинг 45 дан ортиқ олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг 4 та олий ўқув юрти филиали очилган. Тошкент шаҳрида Инха, Пучон, Ёджу, шунингдек, Фарғонадаги Корея халқаро университети филиаллари ташкил этилгани бу борадаги алоқаларни янги поғонага кўтарди. Бугунги кунда уларда турли мутахассисликлар бўйича талабалар тахсил оляпти. Бундан ташқари, ўзбекистонлик талабалар Жанубий Кореянинг етакчи университетларида таълим олиш имкониятига эга.

Ахборот технологиялари, тиббиёт ва инжиниринг каби йўналишларда олиб борилаётган илмий алмашинувлар ва қўшма тadbиротлар ҳар икки мамлакат илмий салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўляпти. 2023 йил март ойида Тошкентда икки давлат етакчи олий таълим муассасалари ректорларининг форуми бўлиб ўтди.

Республикамизнинг 9 та олий ўқув юрти, 24 та мактаб ва лицейларида корей тили ўқитилмоқда. Жанубий Кореянинг Пусан ва Тэгу шаҳарларидаги хорижий тиллар университетларида ўзбек тили бўлимлари ташкил этилган. Шунингдек, Корея Республикаси олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 11 миңдан ошди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги илмий ҳамкорлик биотехнология, нанотехнология, тиббиёт фанлари каби йўналишларда қўшма тadbиротлар олиб бориш орқали фаол ривожланмоқда. Икки мамлакатнинг илмий-тадқиқот институтилари ва олий ўқув юрталари қўшма лойиҳалар ҳамда олимлар алмашинувини амалга ошираётгани илмий салоҳият ва инновацияларни ривожлантиришга хизмат қилляпти. Бундай ташаббуслар илм-фан тараққиётини, илгор технологияларни иқтисодиётга тағбиқ этишни жадаллаштириш имконини бераётди.

Икки мамлакат ўртасида фаол маданий алоқаларни йўлга қўйилган бўлиб, бу халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Миллий анъаналар, санъат ва маданиятни намойиш этиш мақсадида мунтазам равишда фестиваллар, кўргазмалар, концертлар ва бошқа маданий тadbирлар ўтказиб келинмоқда. Мазкур тadbирлар Ўзбекистон ва Жанубий Корея аҳолисида бир-бирини яқиндан билиш, маданий тажрибаларини бойитиш ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш имконини бераётганини таъкидлаш керак.

2014 йилда Тошкентда очилган Сеул боғи, шунингдек, Сеул шаҳри марказида қад ростлаган улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий хайкали ўзбек ва корей халқлари ўртасидаги дўстлик рамзидир.

Ўзбекистондаги қарийб 180 миңдан ортиқ этник корей миллатига мансуб диаспора вакиллари ҳам халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги корей диаспораси сони бўйича Марказий Осиёда энг кўп, дунёда эса бешинчи ўринда туради. Ўзбекистонда корейларнинг тили, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Корей миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда.

Тошкентдаги Сеул боғида корей миллиятига мансуб юртдошларимиз Ўзбекистонда яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан ёдгорлик монументи очилди. 2019 йил 20 апрелда Тошкент шаҳрида Корей маданияти ва санъати уйи иш бошлади.

Соглиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Корея Республикаси Ўзбекистон тиббиёт ходимларини мамлакатнинг етакчи клиника ва марказларида ўқитиш ҳамда стажировка ўташида ёрдам кўрсатмоқда.

2020 йилда EDCF жамғармаси кўмагида Тошкент шаҳрида кўп тармоқли Болалар маркази қурилиши якунланди. Мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши тиббиёт кластерини, жумладан, катталар учун кўп тармоқли шифохона, онкология клиникаси, тиббиёт университетини барпо этиш, шунингдек, фармацевтика кластерини яратиш бўйича янги гоғни ишлаб чиқишга замин яратди.

Сўнгги йилларда Корея Республикасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик йўналишларига қизиқиш ортиб бормоқда. 2023 йилда мамлакатимизга Жанубий Кореядан 35 миңдан ортиқ сайёҳ ташриф буюрди. Сайёҳлик агентликларини тарихий ва маданий диққатга сазовор жойларга ташриф буюришни ўз ичига олган турли дастурларни тақлиф қилляпти. Бундай ташаббуслар икки мамлакат маданияти ва тарихига ўзаро қизиқиш уйғотиши, халқларимизнинг дўстона алоқаларини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида тўғридан тўғри авиақатновлар мавжудлиги ҳам муносабатларни фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Икки мамлакат пойтахтлари ва йирик шаҳарлари ўртасидаги тўғридан тўғри мунтазам вақо қатновлари саёҳатчи янада қўлай қилиб, бизнес ва туристлар оқими ўсишида муҳим омил бўлаётди.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз атроф-муҳитни яхшилаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашишга қаратилган қўшма экологик лойиҳалар устида ҳам фаол ишламоқда. Ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири сув ва ҳавони тозалаш технологияларини жорий этишдир. Корея Республикаси компаниялари ва экспертлари чиқиндиларни қайта ишлаш ва қайта ишлашнинг илгор усуллари жорий этишга кўмаклашмоқда, бу эса Ўзбекистонда экологик вазиятни яхшилашга ҳисса қўшапти.

Расмий Тошкент ва Сеул Ўзбекистон — Корея Республикаси ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун салмоқли салоҳиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаш жоиз. “Яшил” иқтисодиёт, рақамлаштириш ва инновациялар каби замонавий соҳалар истиқболдаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларига айланиши мумкин.

Бугун шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатлари 1992 йилда ўрнатилганидан буён узоқ йўлни босиб ўтди ва ўтган давр мубайнида мамлакатларимиз алоҳида Стратегик шериклик намунасига айланган. Шу нуқтаи назардан, Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифий ҳамкорлик уфларини кенгайтириш, икки мамлакат тараққиёти ва халқлар фаровонлиги йўлида ўзаро шерикликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришининг янги истиқболларини белгилаб бериши шубҳасиз.

“Дунё” АА

Агротармоқ

ТОМОРҚАЛАРДАН ТОМАЁТГАН БАРАКА

Жомбой туманининг Бешбола маҳалласи миришкорлари етиштирган картошканинг таъми ўзгача. Зарафшон маҳалласи дехқонлари лимончиликнинг ҳадисини олган. Уларнинг томорқасидан чиққан лимон бугун хорижга экспорт қилинмоқда. Дехқонobod маҳалласидигилар карам ва саримсоқпиез етиштиришда ҳаммани ортда қолдирапти.

Зулфия МҶМИНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Каттақишлоқликлар томорқасидан чиққан пиез навларининг афзаллиги шундаки, ширин бўлгани учун юлиб, ювиб, иссиқ нон билан еб кетаверасиз. Тут маҳалласи асаларилари Сарчашма маҳалласи гулзорларидан бол йнгиб қайтади.

Найман маҳалласидан ўтар эканмиз, димоғимизга урилган ифродан энтиқиб кетдик. Бу маҳаллада малина етиштирилди. Жомбойликларнинг онахони, бир вақтлар туман ҳокими ўринбосари бўлиб ишлаган ижодкор Ҳафиза Ўсарова бошчилигида малиначиларнинг ўстози бўлган Мастура Қодированинг томорқасига кирдик. Бизга пешвоз чиққан Мастураҳоннинг кайфиятидан ишлари зўрлигини билса бўлади. Малинали томорқага яқинлашган сари кишида кайфият ҳам ифорили бўлар экан. Тиббиётда аро-матерапия, деган гап бор. Бу киши руҳиятини хушбўй ифорулар билан даволаш, дегани. Мастураҳондан малиначилик тажрибасини қачон ва қандай бошлангани ва юқори даромадга эришиш учун нималар қилётганини сўрадик.

— Тайлоқ туманида яшовчи опамдан 10 тут малина кўчати олиб келиб эқдим, — дея сўз бошлади Мастураҳон. — Аввал қўлпунай учун мўлжалланган иссиқхонамизга экиб

Ишчиларимизнинг 3 таси эркак, қолганлари аёллар. “Аёллар дафтари”да турувчи қўшним Наргиза Абдурашидованинг оиласида ногирон фарзанди бор. Наргиза бизда ишлаш билан бирга фарзанди ҳолдан доимо хабардор. Бу йил ўзи ҳам ҳовлисига 50 тут малина кўчати эқди.

Томорқамизда ўғит ташиш, иссиқхонадаги оғир юмушларни бажариш эркаклар зиммасида. Кўчат парвариши мушкул иш эмас. Февраль ойида ер малина кўчатларини ўтқазиш учун тобиға келади. Кўчатларни ажратиб, иссиқхоналарга эканмиз ва айнан шу ойда ҳосил бериб турган малиналарни симбағазларга тортиб боғлаб чиқамиз.

Дастлаб 4,5 миллион сўм даромад қилган бўлсак, кейинги йили 100 тут малинадан 20 миллион сўм фойда олдик. Утган йили ҳовлимизнинг 25 сотихига малина кўчати эқдик ва 180 миллион сўм соф даромад қилдик. Бу ишчиларимиз маоши, иссиқхона ва ўғитларга кетган сарф-харажатиимиздан ташқари.

— Малина шифобахшлиги билан қадим замонлардан маълум, — дейди биз билан суҳбатда Жомбой тумани ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Ҳилола Раҳимова. — Унинг қуриштирилган гулидан тайёрланадиган дамалама ҳатто илон ва чабён чаққанда даволаш учун қўлланилган. Витаминидаги шакар, органик кислоталар, таркибидаги ҳамда гемоглобин қишқарган малина мевасини яра касалликлари, камқонлик, қон томирлари ўтказувчанлиги бузилиши каби турли хасталиқларда фойдалидир. Малина юқори нафас йўлларида антисептик таъсир кўрсатиш ҳамда шамоллашнинг олдини олиш хусусиятига эга бўлган антибиотикларга бой. Унинг меваси қимматбаҳо резавор эканини аҳоли ўртасида кенг тарғибот қилдик. Тумандаги томорқа хўжалигидан фойда кўраётганлар билан бир қаторда томорқаси-



дан унумли фойдаланмаётган уй бекаларини ҳам жамлаб семинарлар ўтказдик. Мастура опа бу йил 75 сотих ерга малина экиб парваришлямоқда. Ҳосилни чамалаб, 300 миллион сўмдан ортиқ соф даромад қилиши аниқ бўлиб турибди.

Томорқасидан узоққа кетмайдиган оилаларнинг мактабда ўқийдиган фарзандлари фанларни ўзлаштириши юқори. Она боласининг дарс тайёрлашини доимо назорат қилишга вақти бор. Ҳовлининг нариги чеккасида туриб ҳам супада ўтириб шеър ёллаётган ёки ҳикоя ўқийётган боланинг овозини эшитиш, охирида мазмунини гапиртириш, уй юмушларни қилиш билан бирга хориж тилидан лугатларни ёдлаштиш мумкин.

Томорқада ишлаб болаларни тартиб-интизомга, одоб-ахлоққа, ҳалолиққа ўргатса бўлади. Халқимизда “Кўздан нари — кўн-гилдан нари” деган гап бор. Пул топанан, рўзгор тебратман, деб олис хорижга кетаётган оилаларда фарзанд тарбиясига путур етмоқда. Битта боланинг адашиши ёки жиноят қўчасига кириши битта оилага, битта қиз боланинг адашиши, алданиши бутун жамиятга салбий таъсир кўрсатади.

— Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарози, — дея сўзидан давом этди ҳокими ўринбосари. — Хонадонларда бор имкониятларини ўрганишни қиш чилласидаёқ бошлаганмиз. Натижада қайси хонадон нима билан қўшимча даромад қилишини аниқлаб

олганмиз ва режа асосида ишлаймиз. Масалан, малина намлики яхши кўради. Малиначи оилаларимиз булоқ сувдан фойдаланади. Булоқ сувидан узоқ бўлган хонадонларга томчилятиб сугорини усулини ўргатганимиз.

Уйдан чиқмай даромад қилаётганлар сирасига ипак курти боқувчилар ҳам қиради. Сарчашма маҳалласи аҳли томорқаларидан ҳосил олишдан ташқари ипак курти етиштиришдан яхши фойда олади. “Дўстлик” ордени соҳибаси, “Марвар пиллачи” номи билан туманда таниқли Марвар опа Бўриеванинг тажрибасини бугун нафақат туманимиз, балки вилоятимизда кенг ўрганишмоқда. Ўз хонадониди ипак курти лабораториясини ярати, қурт уруғини тарқатаётган, хонадонма-хонадан юриб қуртлар парваришида маслаҳат бераётган Марвар опани айни пайтда жиизахлик ипак курти етиштирувчилар ҳам маслаҳатга чақириб келибди.

Бўриевлар оиласи ипакчилар сулоласи ҳисобланади. Жомбойда барқ уриб ўсаётган тутзорларни кўриб, бир пайтлар тутзорларга бешафқат муносабат бўлинганини ёддан чиқармаймиз. Арзиматган чақа учун бир ой давомида одамлар хонадонларини бўшатиб, ипак курти боққан. Натияжада ўтинни айтмас, қўли пул кўрмаган ҳисоби. Бугун пиллачиға ҳам, тутзорларга ҳам муносабат ўзгача. Бир йилда икки марта хирмон кўтариш мумкин. Маошини пиллаларни ўлчаб берган, уч кун ичида қўлга олишляпти. Бир ой ишла-са, йил бўйи ишлаганлар қаторида меҳнат дафтариҳасига эга бўлмоқда. Натияжада пенсия ёшига етганлар бемалол нафақа пуллари-ни олиши ва бир ойдан сўнг томорқасиди бошқа экинлардан даромад қилиши мумкин.

Жомбойликларда “қўшнингин ҳақи” деган гап бор. Бу фақатгина моддий ҳақ эмас, маънавий ҳақ ҳамдир. “Ўзингда бор билим ва тажрибаларини қўшиниға ҳам илгинин”, “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Болаларнинг беғонаси бўлмайди”. Бу ҳикматлар ортидан қўшниллар барақа топмоқда. Ёнма-ён деворлардан меҳр баҳода шотутлардек, олчалар, гилослардек, ёзда қирмичи олма-лардек, кузда бехилар, шафтолилардек қўшнингини уйига тўкилмоқда.

Жомбой томорқаларидан томаётган барақада оилаларга хотиржамлик, фароғат, меҳру оқибат, нуру муҳаббат таралмоқда.

Ўзбекистон ва дунё

Акмал САИДОВ:

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ФОРУМИ ДУНЁ МИҚЁСИДА НОЁБ ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ”

Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқларининг “Самарқандча руҳи”ни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бу эзгу ишни янги, янада юксак поғонага олиб чиқишга хизмат қилди.

— Иккинчи Самарқанд форуми қайси мавзуда ўтказилган? — Инсон ҳуқуқлари бўйича II Самарқанд форуми “Ешлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари” мавзусига бағишланади 2020 йил 12-13 август кунлари ташкил этилган.



Агар эсласангиз, у пайтлар коронавирус пандемияси кучайган бир қалтис давр эди. Шундай мураккаб шароитда Самарқанд форумини онлайн ўтказишимизга тўғри келган бўлса-да, асосийси, унинг якунлари бўйича қабул қилинган резолюция БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилди.



Инсон ҳуқуқлари бўйича II Самарқанд веб-форуми резолюцияси БМТнинг расмий ҳужжатлар тизимида А/74/998 рақами остида жойлаштирилган. БМТнинг 6 та расмий тили — араб, инглиз, испан, хитой, рус ва франсуз тилларида таржима қилинган.

нинг дастлабкиси бўлди. Кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари Самарқанд форуми иштирокчиларига самимий қутловлар билан мурожаат қилди ва халқаро анжуман ишида фаоллик кўрсатди.

“Экологик муаммолар: ўзгарувчан дунёда инсон ҳуқуқлари келажаги, барқарор ечимлар топиш” мавзусига бағишланади. Бу форум сайёрамиз миқёсида учта инқироз — иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучайган кескин экологик вазиятда бўлиб ўтади.

IV Самарқанд форуми иштирокчилари экология ва инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ айти хавф-хатарлар ҳатто дунё геосийсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиб, экологик муаммоларга фақат минтақавий даражада ёндашиш билан чекланмай, балки бу глобал таҳдидларнинг ўзига хос жиҳатларига халқаро ҳам-жамият эътиборини қаратиш истиқболларини атрофлича муҳокама қилиши кутилмоқда.



бўйича аниқ стратегияларни тақдим этишда давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва жамоат институтларининг ролига эътибор қаратилади.

Учинчи ялпи мажлис ўзгарувчан иқлим шароитида инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш борасида мавжуд халқаро ва минтақавий ҳужжатлар таҳлили бағишланади. Бу сессиянинг асосий мақсади биргаликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва сайёрамизда барқарор ҳамда адолатли ҳаёт шароитларини таъминлашга қаратилган глобал стратегияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Форумда 200 мутахассис қатнашиши режалаштирилган. Хусусан, миллий ва хорижий экспертлар, инсон бўйича мутахассислар, давлат ташкилотларининг иқлим ўзгариши муаммолари билан шуғулланган масъулари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, илмий-тадқиқот марказлари, компаниялар, ишбилармон доиралар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари нуфузли тадбирга тақлиф этилган.

IV Самарқанд форуми иштирокчилари экология ва инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ айти хавф-хатарлар ҳатто дунё геосийсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиб, экологик муаммоларга фақат минтақавий даражада ёндашиш билан чекланмай, балки бу глобал таҳдидларнинг ўзига хос жиҳатларига халқаро ҳам-жамият эътиборини қаратиш истиқболларини атрофлича муҳокама қилиши кутилмоқда.

Муҳтасар айтганда, кейинги йилларда Ўзбекистон томони жаҳоннинг юксак минбарларидан илгари сурган қатор миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслар глобал иқлим ўзгаришларининг Марказий Осиё билан боғлиқ таҳдидлари олдини олиш учун минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилаётганига ҳамда барча ҳамкорларнинг манфаатларига бирдек мос келишига амин бўлмоқдамиз.

Шунинг учун бўлажак Самарқанд форуми экология муаммоларининг инсон ҳуқуқларига таъсирини ўрганиш ва ушбу салбий ҳолатларга барҳам бериш учун глобал кўламда мақбул ечимлар ишлаб чиқишга бағишланади. Чунки бу илмий тадқиқотларимиз негизда мавжуд экологик муаммоларга фақат миллий ва минтақавий даражада ёндашиш эмас, балки айти таҳдидларнинг ўзига хос жиҳатларига халқаро ҳам-жамият эътиборини қаратиш мақсади ҳам муҳимдир.

Фулом МИРЗО сўхбатлашди.

Эътироф

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ ЮТУҒИ

Энди мамлакатимиз Халқаро меҳнат ташкилоти бошқарув кенгашида ўз овозига эга



International Labour Organization

Мамлакатимизнинг фаол прагматик ташқи сиёсати кўплаб ютуқ ва халқаро эътирофларга сазовор бўлмоқда. Буни биргина ўтган ҳафта кузатилган икки муҳим воқеа — Ўзбекистоннинг тарихда биринчи марта БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти маъмурий кенгаши аъзоллигига сайлангани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу, шубҳасиз, миллий, минтақавий ва халқаро даражада илгари сурилатган таклиф ва ташаббуслар, очиқлик сиёсати, умуман, янги ўзбек дипломатиясининг ютуғи, халқаро эътирофидир.

Халқаро меҳнат конференциясининг Женева шаҳрида бўлиб ўтаётган 112-сессиясида мамлакатимиздаги ислохотлар алоҳида эътироф этилди. Конференция доирасида ХМТ бошқарув кенгашига 2024-2027 йиллар учун аъзо давлатларни тайинлаш бўйича сайлов ўтказилди. Овоз бериш жараёнида 209 давлат иштирок этди. Ўзбекистон ХМТ Европа минтақавий гуруҳида 194 та овоз олди ва номзод давлатлар — Австрия, Хорватия, Кипр, Венгрия, Нидерландия ва Дания орасида биринчи ўринни эгаллади.

Халқаро меҳнат ташкилоти БМТ тизимининг ихтисослаштирилган муассасаси бўлиб, ижтимоий адолат таъминлари, халқаро тан олинган инсон ҳуқуқлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни илгари суради.

Ташкилот 1919 йилда ташкил этилган ҳамда 1946 йили БМТ тизимига кирган биринчи ихтисослаштирилган муассаса бўлди. Халқаро меҳнат меъёрларини белгилашда ХМТнинг конвенция ва тавсиялари алоҳида аҳамият касб этади.

Маъмурий кенгашида халқаро миқёсда асосий қарорлар, конвенциялар, қонунлар, ижтимоий масалалар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро шартномалар қабул қилинади.

ХМТ бошқарув кенгаши унинг ижро этувчи органи. Кенгашнинг асосий вазифаси конференция сессиялари даврида ташкилот ишига раҳбарлик қилиш ва қарорларини амалга ошириш тартибини белгилашдир. Бошқарув кенгаши таркиби 56 аъзодан иборат, 28 ҳукумат вакили, 14 иш берувчи ва 14 ишчи киради. Шунингдек, 28 давлат вакили, 19 иш берувчи ва 19 ишчидан иборат 66 ўрин-босар мавжуд.

Ташкилот бошқарув кенгаши аъзоларининг 10 ўрни доимий асосда етакчи давлатлар томонидан банд қилинган. Қолган аъзолар ҳар уч йилда ротация асосида қайта сайланади.

ХМТ бошқарув кенгашида 28 давлат иштирок этади. Мана шу давлатларни танлаб олишда, энг аввало, ушбу мамлакатларда кузатилган ижобий ўзгаришлар, туб ислохот-



ларга баҳо берилади. Ўзбекистоннинг мана шу давлатлар қаторидан ўрин олиши мамлакатимиздаги ислохотларга берилган юксак баҳодир.

Бундан ўн йил олдин Ўзбекистон ХМТнинг 8 та конвенциясини ратификация қилган бўлса, ҳозир бу рақам 22 гага эди. Миллий қонунчилигимиз ҳам ана шу ҳужжатларга мослаштирилди.

Энди мамлакатимиз ХМТ аъзоси сифатида ташкилотнинг бутун фаолиятига дахлдор масалаларни кўриб чиқади. Бу давлатимизнинг глобал меҳнат сиёсатидаги иштирокида янги имкониятлар эшигини очади.

Хорижлик экспертлар таъкидича, Ўзбекистон қисқа муддатда юқори натижаларга эришган мамлакат сифатида бошқа давлатлар

учун ўрнак бўлаётгани қатор халқаро анжуманларда таъкидланмоқда.

— Бундан беш йил олдин Ўзбекистон ХМТнинг “қора рўйхати”да эди. Бошқарув кенгаши туғул, бирор-бир қарор қабул қилишда ҳам мамлакатимизнинг фикри эътиборга олинмасди, — дейди камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирини Беҳзод Музаев. — Давлатимиз раҳбарининг қатъий сий-ҳаракати натижасида узок йиллар мамлакатнинг халқаро имижига салбий таъсир қилиб келган мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди. Натижада ХМТ экспертлари бу масалани атрофича ўрганиб, биринчи навбатда, Ўзбекистон “қора рўйхат”дан чиқарилган бўлса, мана бугун бошқарув кенгаши аъзоллигига сайланди.

Энди тегишли ташкилотлар мутасаддилари масъулияти ҳам ошдирилди. Хусусан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қасаба уюшмалари федерацияси ҳамда Иш берувчилар конфедерацияси ҳамкорлигида муносиб меҳнат тамойилларини илгари суриш, ҳодимларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида янги ташаббуслар ва имкониятларни таъбиқ этишни янада кучайтириш лозим.

Хўш, ХМТга аъзолик Ўзбекистонга нима беради, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Ташкилотга аъзолик давомида мамлакатимиз дунёда кечаётган иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик ўзгаришларга қарашларини билдиради. Шу билан бирга, жаҳон тажрибасини ўрганиб, уни юртимизда жорий этилишига ҳисса қўшади.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Огоҳлик

ТЕКИН ПИШЛОҚ ФАҚАТ ҚОПҚОНДА БЎЛАДИ

“UZ” доменидаги веб-сайтларга киберхужумлар сони ортмоқда



Ён-атрофимизда ижтимоий тармоқларда тарқатилётган ёлгон хабарларга ишониб, киберхужумга учраётган ва пулини ўғирлаб қўётганлар йўқ эмас. Қизиги, бундай тузоққа бир эмас, бир неча мартаба тушаётганлар ҳам бор. Ахборий иммунитетимизга қанчалик ишонмайлик, киберфирибгарлар ўйлаб топаётган янгидан янги алдов усуллари жозибдорлиги билан бизни чалғитиб қўяётди.

Кибержиноят, яъни виртуал макондан фойдаланган ҳолда фирибгарлик қилиш замонавий ва энг тез ўсиб бораётган жинойятлардан бирига айланган. Дунё бўйлаб қанчадан қанча ташкилотлар, одамлар бундан азият чекомқда. Ахборот технологиялари ривож ва рақамлаштириш фаоллашуви ортдан юртимизда ҳам кибержиноятлар сони ошиб бораётти.

Маълумотларга кўра, интернетнинг “uz” доменидаги ахборот тизимларини бузиб кириш, уларга зарар етказишга уринишлар кўрсаткичи охириги йилларда 148 фоиз ошган. Хусусан, 2022 йили Ўзбекистондаги ахборот ресурсларига 4,5 миллион киберхужум қайд этилган бўлса, 2023 йили бу кўрсаткич 11 миллионга етган. Рақамлар кибертажовуз ҳолати 2,4 баробар кўпайишга кўрсатади. Шу йилнинг биринчи чорагида аниқланган кибержиноятлар сони эса аллақачон 3 миллиондан ошган.

Вазият тобора жиддий тус олиб, рақамлар ўсиб бормоқда. Интернет олирлар киберхужумнинг янги турларини ўйлаб топиб, муҳим маълумотлар, одамларнинг маблагини ўзлаштиришда давом этипти. Жорий йилнинг дастлабки беш ойида “uz” домени зонасидаги веб-сайтларга 6,6 миллиондан зиёд киберхужум бўлгани сўзимиз тасдиғидир. “Киберхавфсизлик маркази” ДУК департаменти бошлиғи Аъзам Ғофуров билан замонавий муаммонинг бутунги ҳолати, ривожланиш оқими ҳамда унга қарши кураш чоралари ҳақида суҳбатлашдик.

— Ҳар қанча инкор этишга уринмайлик, бутунги дунёни замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди у. — Бу соҳа жадал ривожланар экан, уни чуқур тушунадиган, имкониятларидан нафақат ижобий, балки салбий мақсадда фойдаланганлар кўпайиши ҳам табиий. Кибержиноятларнинг кўпайиши давлат ташкилотлари, хусусий компаниялар, шунингдек, фуқаролар учун жиддий муаммога айланди.

Бу муаммо юртимизга фаол кириб келганидан кўз юмиб бўлмайди. Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, кибержиноят ахборотни эгаллаш, ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермақонда дастурий таъминот, техник воситалардан фойдаланган ҳолда қилинадиган жинойятлар йиғиндисиридир. Табиийки, кибержиноятларга қарши курашиш ҳамда олдини олишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бугун кибержиноятнинг кўплай турлари мавжуд. Тармоқ хужумлари, ҳимоя тизимидаги заифликлардан фойдаланиш, зарарли дастурлар, шифрловчи вируслар билан ахборот тизимларига шикаст етказиш ҳамда интернетдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик, яъни ижтимоий муҳандислик хужумлари шулар жумласидан.

Ҳозир энг кўп учрайдиган кибержиноятлардан бири тармоқ хужумларидир. Бунга веб-ресурсларни бузиб кириш орқали маълумотларни ўғирлаш, спам хабарлар тарқатиш, фишинг хужумларини мисол келтириш мумкин. Утган йили 158 та веб-ресурсда киберхужум аниқланди. Шундан 24 фоизи давлат ташкилотларига бўлган. Жорий йил биринчи чорагида аниқланган ҳолатларда эса бу кўрсаткич 27 фоизни ташкил этипти. Охириги бир ярим йилда веб-ресурсларга киберхужумларнинг 30 фоизи маҳаллий, 70 фоизи хориждаги хакерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Мониторинг тизимига уланган веб-ресурсларга хужум турлари орасида энг кўп қўллангани SQL инъекция, протоколларни мажбурий қўллаш ва чекланган файлларга рухсатсиз кириш бўлган.

Таҳлилларга кўра, киберхужумлар ҳар қандай ҳолатда ҳам жиддий муаммодир. Давлат бошқарув органи кибер-ресурсларига кибертажовузнинг олдини олиш давлат бошқарувини автоматлаштириш ҳамда рақамлаштириш жараёнида янада долзарб тус оляпти. Ақсарият ҳолатда давлат органлари, ҳўжалик юритуви субъектлари веб-ресурсларида киберхавфсизликни таъминлашда муаммолар юзага келмоқда. Трафикни филтрлаш етарли даражада ёки мавжуд эмаслиги юзага келган хавфнинг сабабларидан биридир. Оқибатда ҳимоя қилинмаган ресурс тажовуз объектига айланади.

Кибержиноятлар, айниқса, банк-молия тизимига жиддий хавф тугдирмоқда. Бунга кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди. Утган йили содир этилган 11 миллион тажовуздан 24 фоизи шу соҳа ресурслари улушига тўғри келади.

— Киберхужумлар оқибатида фуқаролар ҳам катта молиявий йўқотишларга дуч келмоқда. Бу шахсий кибергиғиена шакланмагани билан боғлиқ, дейилмоқда. Шу билан бирга, соҳа мутахассислари аҳолини киберхужумлардан ҳимоялаш учун қандай чоралар кўрмоқда?

— Истаимизми-йўқми, масаланинг асосий жиҳати барибир шахсий иммунитетга бориб тақалади. Интернет фойдаланувчиларида кибергиғиенанинг деярли йўқлиги, ахборот маконда ўзини туттиш қоидаларини тўлиқ англамагани, риоя қилмаслиги ёки билимлар саёзлиги туфайли кибертажовузар юз беришда инсон омили катта роль ўйнамоқда. Шу боис, бу турдаги жинойтларнинг энг кенг тарқалгани интернет тармоқларидаги фирибгарликлар билан боғлиқ. Айниқса, онлайн харидлар, онлайн кредит олиш ва бериш, тўлов картаси билан бўладиган амалиётларда телефон қўнғироклари ҳамда СМС хабарномалардан фойдаланган ҳолда маблаг ўзлаштириш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Киберхужумларнинг асосий қурбони интернет фойдаланувчилари эканини инобатга олсак, кўлам нақадар кенг экани аққол кўринади. Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 60 фоизи ижтимоий тармоқлардан фой-

даланади. Интернет маконда эса ахборот ниҳоятда кўп, уларни бир-биридан фарқлаш, ёлгон хабарларни ажрата олиш учун ҳам иммунитет шакланган бўлиши керак.

Боиси, кибержиноятчилар кўпинча фуқароларнинг ишонувчанлигидан фойдаланади. Одамларнинг ўзи маълумотларини ихтиёр тўқим этиши оқибатида фирибгарлар тузоғига тушади. Масалан, ҳозирги вақтда фишинг ёки фейк сайтлардан фойдаланган ҳолда ишга таклиф қиламиз, даромад топишга ёрдамлашамиз, деган мазмунда аҳолини қизиқтирадиган ёлгон хабарлардан фойдаланиб, алдов, фирибгарлик йўли билан шахсий маълумотлар ёхуд маблагини ўзлаштириш ҳолати кўпайган. Қолаверса, фирибгарлар кўзга кўринган ташкилотлар номидан турли ижтимоий тармоқларда реклама баннерларини

даланади. Интернет маконда эса ахборот ниҳоятда кўп, уларни бир-биридан фарқлаш, ёлгон хабарларни ажрата олиш учун ҳам иммунитет шакланган бўлиши керак.

Боиси, кибержиноятчилар кўпинча фуқароларнинг ишонувчанлигидан фойдаланади. Одамларнинг ўзи маълумотларини ихтиёр тўқим этиши оқибатида фирибгарлар тузоғига тушади. Масалан, ҳозирги вақтда фишинг ёки фейк сайтлардан фойдаланган ҳолда ишга таклиф қиламиз, даромад топишга ёрдамлашамиз, деган мазмунда аҳолини қизиқтирадиган ёлгон хабарлардан фойдаланиб, алдов, фирибгарлик йўли билан шахсий маълумотлар ёхуд маблагини ўзлаштириш ҳолати кўпайган. Қолаверса, фирибгарлар кўзга кўринган ташкилотлар номидан турли ижтимоий тармоқларда реклама баннерларини



ни тарқатиш орқали қизиқарли сабабларни кўрсатиб, одамларни чув туширипти.

Ижтимоий тармоқларда ҳам турли ишончсиз ҳаволалар тарқатиш орқали аккаунтларни бошқариш ҳуқуқини эгаллаб олиш ва эгалланган аккаунтлар ёрдамида контактдаги бошқа аккаунтларга турли реклама ёки иловалар юбориш, уларнинг маълумотларини ўзлаштириш ҳолатлари учрамоқда. Танишдан келган хабарга кўпчилик ишониб, иловага

киради ва сўралган маълумотларни киритади. Киберфирибгарлар ҳатто телефон суҳбатлари, СМС хабарномалар орқали ҳам суҳбатдошининг ишончига киришни удалаяпти.

“Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси фуқароларнинг кибергиғиенадан хабардорлигини текшириш бўйича ижтимоий сўрвонга ҳам ўтказди. Олинган натижалар таҳлил қилинганида иштирокчилар кибертаҳдидлардан ҳимояланиш бора-сида маълумотга эга экани кўринди. Масаланинг қизиқ жиҳати бор: одамлар бундай фирибгарликлардан хабардор бўлса, унда нега кибероламда пулини ўғирлаб, жабрланмаётган сони камаймаяпти? Гап шундаки, замонавий ахборот технологиялари кундан кун ривожланипти. Шунга яраша кибермақонда ҳам янгидан янги жинойтчилик турлари, социал инжинирингнинг турфа хили кўпаймоқда. Бу ҳатто кибериммунитети бори аҳолининг ҳам баъзан алданиб қолишига сабаб бўляпти.

Жаҳон тажрибасида кибержиноятчиликка қарши курашишда, асосан, профилактик тадбирларни амалга ошириш, замонавий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизлик талаблари ва тавсияларига қатъий риоя қилиш каби ечимлардан фойдаланилади. Юртимизда ҳам ушбу йўналишда ваколатли орган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан киберхужумларни мониторинг қилиш, кибертаҳдидларни аниқлаш ва чора кўриш, шунингдек, веб-иловаларни турли хуржлардан ҳимоя қилиш тизими жорий этилган ва мунтазам тақомиллаштириляпти. Мамлакатимиздаги тижорат банклари ва тўлов тизим операторлари ҳам киберфирибгарликларнинг олдини олиш учун масофадан тўлов хизматлари кўрсатишда хавфсизлик

Жаҳон тажрибасида кибержиноятчиликка қарши курашишда, асосан, профилактик тадбирларни амалга ошириш, замонавий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизлик талаблари ва тавсияларига қатъий риоя қилиш каби ечимлардан фойдаланилади. Юртимизда ҳам ушбу йўналишда ваколатли орган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан киберхужумларни мониторинг қилиш, кибертаҳдидларни аниқлаш ва чора кўриш, шунингдек, веб-иловаларни турли хуржлардан ҳимоя қилиш тизими жорий этилган ва мунтазам тақомиллаштириляпти. Мамлакатимиздаги тижорат банклари ва тўлов тизим операторлари ҳам киберфирибгарликларнинг олдини олиш учун масофадан тўлов хизматлари кўрсатишда хавфсизлик

Жорий йил февралда “Киберхавфсизлик маркази” ДУК мутахассисларининг сайёҳаракати ва узоқ йиллик ҳамкорлигидан сўнг UZCERT хизмати дунёда киберхавфсизлик соҳасидаги етакчи ташкилотлардан бири — “FIRST” халқаро тузилмасининг тўлақонли аъзоси мақомига эришти. Мазкур хизмат шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва киберхавфсизликни таъминлашда қатор вазифаларни тавсия қилади. Шубҳали веб-иловаларга кирмаслик ва номаълум манбалардан иловалар юклаб олмаслик, қурилмаларда лицензияланган антивирус маҳсулотларидан фойдаланиш, шахсий маълумотлар, пластик карта рақамлари ва СМС кодларни номаълум шахсларга бермаслик шулар жумласидан.

Энг муҳими, фуқаролар кибергиғиена қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, мураккаб пароллар, икки факторли аутентификация ҳамда антивирус дастурий таъминотларидан фойдаланиш, операцион тизим ва дастурларни мунтазам янгилаб туриш, шахсий маълумотларни тақомиллаштириш таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, киберхавфсизлик масалалари бўйича аҳоли ёрдам олиши учун ишонч телефонлари ишлаб турибди.

2024 йилда республикада 574,8 минг гектар майдонда чигирткаларга қарши кураш тадбирлари ўтказилиши башорат қилинган. Бугунги кунга қадар 375,4 мингдан ортқ гектар майдонда кимёвий ишлов ўтказилди. Худудларда доимий кузатув-назорат ишлари ўтказилиб, зарарли чигирткаларнинг ўчоқлари аниқланган жойларда тезкор кураш чоралари ўтказилиб,

2024 йилда республикада 574,8 минг гектар майдонда чигирткаларга қарши кураш тадбирлари ўтказилиши башорат қилинган. Бугунги кунга қадар 375,4 мингдан ортқ гектар майдонда кимёвий ишлов ўтказилди. Худудларда доимий кузатув-назорат ишлари ўтказилиб, зарарли чигирткаларнинг ўчоқлари аниқланган жойларда тезкор кураш чоралари ўтказилиб,

техникавий экспертиза ўтказиш ва кибержиноятларни очишининг илгор технологиялари жорий этилмоқда. Қадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари мунтазам бажариляпти. Профилактика-тарғибот тадбирлари ўтказилиб, аҳолининг киберфирибгарлик турларидан хабардорлигини оширишга қаратилган контентлар яратилмоқда. Кибержиноятчилик кўпинча трансгеогравиий характерга эга бўлгани боис, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти.

— Таъкидлаганингиздек, ахборот технологиялари ривож кибержиноятлар орттишига ҳам таъсир кўрсатаяпти. Хўш, уларга қарши хавфсизлик чораларини қўллашда бу илгор технологиялар иш берадими? Аниқланган кибержиноятлар қандай бартараф этиляпти?

— Кибержиноятларнинг ҳар бир тури учун ҳар хил усул ва воситалар қўлланади. Фирибгарлик аниқланган веб-ресурслар ва зарарли дастурларни тарқатиш манбасини иҳоталашдан тортиб, компьютер-техник тадқиқотлар ўтказиш ва мураккаб кибержиноятларни очишга ёрдам берадиган рақамли изларни йиғиш ҳамда қайд этишгача бўлган ишлар бажарилади. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органилари ҳамда Киберхавфсизлик марказида махсус дастурий таъминотлар ва усуллар ёрдамида рақамли криминалистика лабораториялари очилган. Бу ерда фаолият юритиш учун техник олий маълумотга эга малакали кадрлар саралаб олинади.

Масъул мутахассислар кибержиноятларни реал вақт режимида аниқлаш учун турли ахборот тизимлари яратиш, мунтазам тақомиллаштириб боради. Давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини киберхужумдан ҳимоялаш тизимларини ҳам мутахассислар жорий қилган. Масалан, ички тармоқ ва веб-иловаларни ҳимоя қилишга мўлжалланган аппарат-дастурий воситалар (Firewall ва WAF), киберхужумларни бартараф этишда IDS/IPS тизимлари, компьютерларнинг реал вақт режимида зарарли дастур ҳамда киберхужумлардан ҳимояловчи EDR дастурлари, кўп факторли аутентификация (SMS коди, электрон манзил, USB калит ёки OTP орқали) технологиялари ишлатилади. Тижорат банклари ҳамда тўлов тизимлари операторлари шубҳали тўлов операцияларини аниқлаш ва чеклаш учун замонавий “Anti-fraud” тизимлардан фойдаланиб келади.

Шунингдек, киберхужумларга чора кўриш учун UZCERT хизмати ишлаб турибди. Мазкур хизматнинг асосий вазифаси интернет тармоқининг миллий сегменти фойдаланувчилари учун кибертаҳдидлар даражасини пасайтиришдан иборат. UZCERT хизмати маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларга “uz” доменидаги ахборот тизимлари ва ресурсларига қарши қаратилган ноқонуний фаолиятни аниқлаш, олдини олиш, киберхавфсизликка дахлдор ҳодисаларни текшириш, CERT ва SOC марказлар яратишда кўмаклашади.

Жорий йил февралда “Киберхавфсизлик маркази” ДУК мутахассисларининг сайёҳаракати ва узоқ йиллик ҳамкорлигидан сўнг UZCERT хизмати дунёда киберхавфсизлик соҳасидаги етакчи ташкилотлардан бири — “FIRST” халқаро тузилмасининг тўлақонли аъзоси мақомига эришти. Мазкур хизмат шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва киберхавфсизликни таъминлашда қатор вазифаларни тавсия қилади. Шубҳали веб-иловаларга кирмаслик ва номаълум манбалардан иловалар юклаб олмаслик, қурилмаларда лицензияланган антивирус маҳсулотларидан фойдаланиш, шахсий маълумотлар, пластик карта рақамлари ва СМС кодларни номаълум шахсларга бермаслик шулар жумласидан.

Энг муҳими, фуқаролар кибергиғиена қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, мураккаб пароллар, икки факторли аутентификация ҳамда антивирус дастурий таъминотларидан фойдаланиш, операцион тизим ва дастурларни мунтазам янгилаб туриш, шахсий маълумотларни тақомиллаштириш таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, киберхавфсизлик масалалари бўйича аҳоли ёрдам олиши учун ишонч телефонлари ишлаб турибди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Ирода ТОШМАТОВА
суҳбатлашди.

Кун мавзуси



Шу кунларда ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборот воситаларида катта-катта майдонларга чигиртка тарқалаётгани ҳақидаги хабарлар кўпайди. Хусусан, бир неча кун аввал Қозоғистон худудида чигиртка мисли кўрилган даражада тарқалгани ҳақида хабарлар эълон қилинди. Вазият Ўзбекистон худудида фавулудда ҳолат тусини олмаслиги учун қўшни давлат билан трансгеогравиий худудларда, хусусан, Навоий, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида назорат кучайтирилди.

Қозоғистонда чигирткага қарши кураш тадбирлари тендерда голиб бўлган хусусий ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Бунинг натижасида энг қимматли ресурс — вақт бой берилиб, чигиртка чегарадош худудларга учиб ўтишига шароит пайдо бўлмоқда.

ЧИГИРТКАЛАР “ЮРИШИ”ГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШИЛМОҚДА?

Ҳозир биз қозоғистонлик ҳамкасбларимиз билан алоқадорамиз. Айтишларича, уларда чигиртка кенг майдонларга тарқалгани ва ушбу жойларда қарши кураш тадбирлари олиб борилаётгани тўғрисида маълумот берилди.

Чигиртка ҳаво ҳарорати кўтарилган сари ўрта ҳисобда 5-6 кунда 1 ёшга киради, яъни энг хавфли ҳисобланган фазага — қанот чиқариш даврига етиб келади. Улар кунига 50-60 километргача масофани учиб ўтиши мумкин.

Бизда, асосан, Бухоро вилоятида шундай ҳолатлар кузатиляётгани хабар қилинди. Бу ўз номи билан саксовул букур чигирткаси бўлгани учун саксовулга зарар беради. Бошқа экинларга зарар келтирмайди. Чигирткалар ҳозирги кунда етук зотта ўтган, тухум қўйиш палласида. Тухум қўйгандан кейин 10-15 кунда табиий нобуд бўлиши жараёни кузатилади.

Бугунги кунга қадар Бухоро вилоятида 12 минг 321 гектар майдонда кураш

тадбирлари ўтказилган. Шунингдек, қўшни Хоразм вилоятида тарқалиш ўчоқларининг олдини олиш мақсадида 3272 гектарда кимёвий ишлов ўтказилди.

Ҳозир барча чегара худудларида зарур чоралар кўрилямоқда. Умуман, жорий йилда мамлакатимиз саксовулзорларида, хусусан, Қизилқумда катта ва кичик саксовул букур чигирткасига қарши апрель ойининг учинчи декадасидан кураш чоралари кўриш бошланган. Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида тизимли иш ташкил этилган. Қорақалпоғистон шимолда об-ҳаво салқин келгани сабабли чигирткаларга қарши кимёвий ишлов июнь ойидан бошланди.

Бугунги кунга чигиртканинг қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар етказиши кузатилмаган.

Дунёда саксовул букур чигирткаси, марокаш ва италия чигирткалари тўда ҳосил қилувчи турларига киргани сабабли уларга қарши кураш тадбирлари олиб борилади.



2024 йилда республикада 574,8 минг гектар майдонда чигирткаларга қарши кураш тадбирлари ўтказилиши башорат қилинган. Бугунги кунга қадар 375,4 мингдан ортқ гектар майдонда кимёвий ишлов ўтказилди. Худудларда доимий кузатув-назорат ишлари ўтказилиб, зарарли чигирткаларнинг ўчоқлари аниқланган жойларда тезкор кураш чоралари ўтказилиб,

фавулудда вазият юзага келишининг олди олиномоқда.

Бобур ҲАМРОЕВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Ўсимлик
карантин ва ҳимоя агентлиги
директорининг биринчи ўринбосари

МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДАН БОШЛАНАДИ

Нуктаи назар

Ўтган йил якунида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йилгилишида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган ишлар таҳлил қилиниб, ёшларнинг маънавий мафқурасини мустаҳкамлаш масалалари хусусида алоҳида сўз юритилди.

Таълим-тарбия тизими маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан. Ота-боболаримиз азалдан илму маърифатни бебаҳо хазина сифатида эъзозлаган, таълим-тарбияни инсон камолотининг шартин деб билган. Дарҳақиқат, таълим-тарбия тизими ва шу асосда онгни ўзгартирмай, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

АҚШ, Япония, Финляндия, Германия, Франция каби ривожланган давлатлар таълим-тарбиядан маълумки, ўқиб жараёнда ҳар бир талабанинг маънавий-маърифий таъбирлардаги иштироки, ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) "Ижтимоий фаоллик индекси" сифатида баҳолаб борилади ва бу битирувчининг портфолисида муайян балл сифатида ўз аксини топади.

Бизда ҳам талаба ва ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш, миллий адабиётимиз раванқига улкан ҳисса қўшган адибларимиз маънавий меросини ўрганиши-



йўлга қўйилди. Таъбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган чора-таъбирлар режасига мувофиқ, жорий йил ё ойлари ва янги ўқув йилидан бошлаб пойтахтимиздаги ҳар бир олий таълим муассасаси Адиблар хабаротида беш муҳим ташаббус доирасида талабалар фестивалини ўтказиш кўзда тутилган.

Ушбу фестивалларда беш муҳим ташаббус йўналишлари бўйича танлов ва мусобақалар, кўргазмали чиқишлар, маданият, санъат ва адабиёт мавзуларида фотокурғазма, либослар, амалий ижод намуналари, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича кўргазма, танлов ва бошқа турли чиқишлар ташкил этилади.

Бундан ташқари, талабаларнинг театр студиялари томонидан мазкур хабаротида ҳайкаллари ўрнатилган атоқли адибларнинг ҳаёти, фаолияти ва асарлари асосида саҳна кўринишлари намойиш этиши, пойтахтдаги ОТМлар ўртасида "Барҳаёт аъёнлари" шiori остида "Миллий қадриятлар сайли" танловини ўтказишни режа қилганмиз.

Яна бир муҳим янгилик: хабаротида ҳайкали ўрнатилган адиблар сиймосининг голограммасини яратиш ва ёшларга намойиш қилиб боришни режалаштирдик. Эътиборли жиҳат, голограмма орқали адибларнинг ўз умр йўли ҳақида сўзлаб беришни овозли акс эттириши мумкин.

Хабарот веб-сайтини тақомиллаштириш, ижтимоий тармоқларда унинг расмий саҳифаларини яратиш ва доимий равишда юритилишини таъминлаш, шoir ва ёзувчилар ҳаёти ҳақида ижодига боғлиқ декорацияларни жойлаштириш, хабаротнинг маршрут харитасини яратиш, инфокиоскларнинг доимий ишлашини таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизда миллий маънавий тикланиш, ёш авлод онги ҳамда дунёқарашини миллий қадриятлар асосида бойитиб бориш, миллий маънавиятимизни турли таҳдидлардан асраш, ёшларни тафаккури кенг, креатив фикрлайдиган, ташаббускор, ҳалол ва жонқур ҳамда муаммолни вазиятларда тўғри қарор чиқарадиган қилиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани эътирофга лойиқ. Зеро, маънавий ҳар бир халқни тараққиёт сари элтувчи энг тўғри йўлдир.



Нодир ҚОСИМОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи

Давлатимиз раҳбари йилгилишида: "Ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз ҳозирги кескин шaroитда гоъвий-мафқуравий соҳада рақобатга тайёрми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб беришти? Мана, бугун маънавий-маърифий соҳада масала қандай ўқиб ва кўндаланг бўлиб турибди. Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёрғун дунёда "Ўзбек", "Ўзбекистон" деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнаб бугун бошлашимиз шарт. Эртга кеч бўлади", дея таъкидлади.

Сифатли таълим-тарбия беришда ёшларнинг маънавий тафаккурини ривожлантириш ҳамда уларни аждодларимиз бой маънавий меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш бугуннинг долзарб масалаларидан. Айниқса, замонавий билимларни эгаллаб, интернетнинг доимий фойдаланувчисига айланган талабаларнинг ёт, бузғунчи гоълар таъсирига тушиб қолмаслиги

ва маънавий иммунитетини мустаҳкамлашда ҳам маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланishi керак!

Мафқуравий иммунитет ҳақида гапиришдан аввал иммунитет тушунчасига тўхталсак. Умуман, иммунитет нима ўзи? У қандай шакллантирилади? "Иммунитет" сўзи тиббий тушунча бўлиб, организмни турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қаратилган реакциялар мажмуидир. Сода қилиб айтганда, иммунитет — киши организмни турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қobiliяти. Маънавий иммунитет эса ҳар қандай ташқи салбий таъсирга чидамли бўлиш, қарши туриш, дегани. Ушбу тушунчани фалсафий жиҳатдан таҳлил қилсак, иммунитет деганда, ташқаридан бошқариладиган гоъга ёки воқеа-ҳодисага қарши ҳимоя, олдини олиш, унга қарши курашиш кўникмасининг ҳосил бўлишини тушунтириш мумкин.

Тан олиш керак, бугуннинг тиришқоқ, анча эркин фикрловчи ёшлари билан ёнма-ён фаолият юритиш осон эмас, аммо ўз ўрнида завқли ҳам. Ёшлар билан ишлаш эса педагоглардан доимий ривожланишни, малака ошириб боришни талаб қилади.

Бузғунчи гоъ тарғиботчилари, асосан, қайси қатламга "қармоқ" ташлайди? Табиийки, кучсиз ва мўрт қатлам — мафқуравий иммунитетни султ тоифага. Бундай қатламнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис, асосий эътиборни ёш авлодга қаратишимиз зарур. Бунинг учун эса вақтни ҳавога совуруви ёки сафсатабозликдан иборат таъбирларга талабаларни мажбурий жалб этиш ва шакли эскирган маърузабозликдан воз кечишимиз шарт.

Хўш, нима қилиш керак? Ҳозир олий таълим жараёнига кредит-модул тизими жорий этилиши натижаида талабалар бор эътиборини айнаб кредит тўланадиган фанларга қаратмоқда. Бу ҳолат маънавий-маърифий тарбия жараёнини янги шаклда, кредит-модул тизимига ўйланштирилган ҳолда талабаларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, тизимли ташкил этиш заруратини ҳам юзага келтиради.



га қаратилган ислохотлар доирасида "Адабий-маърифий ҳафталиклар" лойиҳаси йўлга қўйилган. Бунда пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари Адиблар хабаротидаги атоқли ижодкорлар, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари эса жойлашган ҳудуддаги истироҳат боғлари ва хабаротида бириктирилиб, адабий-маърифий лойиҳаларни амалга ошириш режаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа доирасида таъбирлар ташкил этилиб, 41 мингдан зиёд талаба, профессионал таълим

муассасаларининг 5,5 минг ўқувчиси ва 700 ўқитувчи қамраб олинди.

"Миллий қадриятлар сайли" таъбирлари доирасида миллий ҳунармандлик, робототехника, китоб ва галерея ўргазмалари, миллий либослар, талабаларнинг ижодий ишлари намойиши, адиблар ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна кўринишлари, мунозара, мушоира (шеърхонлик), миллий ўйнал (арқон тортиш, бештош, варрак сайли), кураш, оғир атлетика, тош кўтариш, минни футбол каби спорт таъбирлари, шунингдек,

беш муҳим ташаббус доирасида талабалар фестивали ўтказилди. Эътиборлиси, миллий адабиётимиз намояндаларининг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар QR-код шаклида Адиблар хабаротида жойлаштирилди.

Ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар доирасида навбатдаги "Маърифат улашиб" лойиҳасида Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда 156 ёзуви ва шoir 52 гуруҳга тақсимланган ҳолда 208 та олий таълим муассасаси ҳамда таълим муассасаси, 360 та мактаб ва 497 та маҳаллада таъбирлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, "Заковат" интеллектуал ўйинлари, "Гулхан атрофида мушоира", "Яшил макон" лойиҳаси асосида "Адиб билан кўчат эккиш" сингари амалий таъбирлар ҳам уюштирилди.

Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари ўртасида "Барҳаёт аъёнлари" шiori остида "Миллий қадриятлар сайли" танлови ҳам ташкил этилди. Танлов сўнида қадриятларимиз, тарихимизни пухта билган билимдонлар таъбирланди.

Маданият, санъат, спорт, таъбиркорлик ва робототехника йўналишида юқори натижага эришган таниқли шахслар билан учрашув ва мотивацион маҳорат дарслари, Адиблар хабаротида беул Wi-Fi зоналари ва караоке майдонлари ташкил этилиб, китоб дўкони фаолияти

Бугуннинг гапи

ХАРАЖАТИНИ ҚОПЛАМАЁТГАН ИЖТИМОИЙ ДОРИХОНАЛАР

ТЕЗ ОРАДА ЁПИЛИБ КЕТИШИ МУМКИНМИ?

Набиранинг тоби қочиб, шифохонага тушиб қолди. Ўн кундан ортиқ шифохона ва дориҳона ўртасида бўзчининг мокисидай қатнадим. Касалликнинг хавфли даври ортда қолгач, муолажани уйда давом эттиришимизни тайинлаб, набиранига жавоб беришти. Кетиш олдинда қўлимга дорилар рўйхати ёзилган қоғозни тутқазиб, уларни олиш шартлигини айтишти. Қоғоздаги узундан узоқ рўйхатни кўриб, кўзим жимирлаб кетди. Дориларни топш учун мен бормаган дориҳона қолмади ҳисоб. Биринчи рецептда кўрсатилган дори йўқ бўлса, бошқасида нарх-наво ҳамёнбон эмас...

— Шу маҳаллада яшаймиз, — дейди ўзини Муҳаммадсиддиқ Баракаев деб таништирган суҳбатдошимиз. — Оилавий поликлиникаларда ижтимоий дориҳоналар фаолият юритаётгани ўзига хос қулайликлар яратди. Ўзаро рақобат ва танлаш имконияти-



Уйрат қишлоғидаги 44-оилавий поликлиника ҳудудида бир-бирига яқин учта дориҳона бор. Уларнинг бири 156-ижтимоий дориҳона шохобчаси. Тўғриси, ижтимоий дориҳона бошқа дориҳоналар билан қиёсаланди бирмунча аборг кўринади. Аммо нарх-навои нисбатан арзон. Масалан, оддий шприц 360 сўмдан 500 сўмгача, натрий хлор 8000 сўм атрофида. Бир донга система 650 сўм. Унга яқин бошқа хусусий дориҳоналарда бў қиймет-бирмунча юқори: бир донга шприц нархи 500-1000 сўмгача, натрий хлор 12 минг сўм, система минг сўмдан ортиқ.

ни беришти. Дори-дармонни рецепт бўйича сотиш тартиби йўлга қўйилган. Авваллари бундай имконият йўқ эди.

— Оилавий поликлиникадаги тўқсон метр квадрат жойда ижтимоий дориҳона шохобчаси очганимиз, — дейди шохобча мудири Фарҳод Раҳмонов. — Давлат-хусусий шериклик асосида тузилган шартнома шартларида шохобчамиз ижара пули, электр энергияси, сув каби коммунал тўловлардан озод қилинган эди. Янги шартномада барча коммунал тўловни шохобча ҳисобидан тўлаш тартиби жорий этилаётгани ижтимоий дориҳоналардаги нархнинг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

жиҳозлар билан таъминланган. Лицензияга эга мутахассислар фаолияти йўлга қўйилган. Бир қараганда ҳамма иш рисоладагидек. Бирок ижтимоий дориҳоналар кундан-кунда фаолиятида қатор муаммо ва қийинчиликларга дуч келмоқда.

— Биринчидан, ихтисослаштирилган дориҳоналар даромади мажбурий тўловлар сирасига кирган иш ҳақи, солиқ, касса ва терминал, абонент тўлови билан боғлиқ харажатни қопламайпти, — дейди "Фаргона дори-дармон" акциядорлик жамияти раиси Муҳаммадмин Турсунов. — Иккинчидан, ижтимоий касалликларни даволашда қўлланадиган дори-дармон ва тиббиёт буюмларига хусусий корхоналар сингари ортинча устама нарх қўйилмайди. Жамият айланма маблағини тўлдириб учун банкдан олинадиган кредит фоизига имтиёз жорий этилмаган. Шу йилдан бошлаб давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган ижтимоий дориҳоналар билан уч йиллик шартнома шартларида кўрсатилган, ижара ва коммунал тўловларга оид имтиёзлар тугатилди. Даволаш-профилактика муассасаларида очилган ижтимоий дориҳона шохобчаларидан фойдаланилган ҳар бир квадрат метр жой, электр энергияси, сув билан боғлиқ барча коммунал тўловларни мустақил тўлаш талаб этилмоқда. Бу қўллаб-қувватлаш фаолиятига салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли зарар билан ишлаётган 100 дан ортиқ ижтимоий дориҳона фаолиятини тўхтатишга мажбур. Мазкур масалалар ечимни юзасидан вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси билан маҳаланинг муқобил ечимини топишда амалий ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилганмиз.

Мазкур сабаблар нарх-навога салбий таъсир қўришга аён. Ижтимоий дориҳоналарнинг харажатини қопламаётгани сабаби эса уларнинг аксарияти аҳоли кам, чека ҳудудларда жойлашгани учун қуниқ тушум пастилигиде. Янги тартиб бўйича бў дориҳоналарга ижара ва коммунал тўловлар мажбуриятининг юкланиши муаммолар қўламини кенгайтириши табиий. Бундан ташқари, шифохона ва поликлиникага келган беморларга дори-дармонни ижтимоий дориҳоналардан харид қилмаслик тавсия этилиб, бошқа дориҳоналарга йўналтириш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Баъзи шифохоналар турли фирма ва компания вакиллари билан келишган ҳолда беморларни муайян дориҳоналарга юборишга оdatланган. Бу эса ижтимоий дориҳоналар қуниқ тушумига салбий таъсир қўришга сабаб бўлмоқда. Қолаверса, аҳоли ижтимоий дориҳоналар фаолияти билан боғлиқ имтиёз ва имкониятлардан беҳабар экани ҳам иш сифатига салбий таъсир қўришга келаётди.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Жадидлар руҳи

“Кўнглимдаги изтироблар аримоқда”

УЧ МАЪРИФАТПАРВАРНИНГ ЗУРРИЁДИ ШУКРОНАСИ



Ўтган йил 11-12 декабрь кунлари Тошкентда “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусида ўтказилган халқаро илмий конференция қизгин муҳокамадан бой бўлиб, унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Туркия, Россия, Венгрия, АКШ, Германия, Нидерландия, Швеция, Япония ва бошқа мамлакатлардан таниқли олим ва экспертлар иштирок этганди.

Конференцияда маъруза қилганлар орасида Бухоро давлат университети профессори Сулаймон Иноятнинг ҳаёгонли нутқи диққатимизни тортганди: — Бугун мени хурсанд қилганидан бир жиҳат бор: каминга уч буюк сиймо — Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа ва Отаулла Хўжаевга таалуқли оилда дунёга келганман. Узоқ йиллар “халқ душманининг авлоди” деган тамга остида юрганлардан бириман. Кўнглимга оғриқ берадиган яна бир жиҳат бор: ҳар сафар Тошкентга келганимда гул кўтариб бобом Отаулла Хўжаев қабрини зиёрат қилиш истагида юраман, бироқ унинг қабри қаерда, қачон вафот этган, қаерда отилганини ҳозиргача аниқлаганим йўқ.



Нихоят Сулаймон Иноят Файзулла Хўжаев отилган жойни бориб кўришга муваффақ бўлди. Москвадаги Коммунарка қабристонда олти минг олти юз кишининг исм-фамилияси махсус тахталарга ёзиб қўйилгани ҳақида хабар топган олим қўшқек учиб боради. Қатагон қилинганлар рўйхатида Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов борлигини кўргач, кўнгли маҳзун тортиди...

Шу йил 30 майда Президентимизнинг “Жадидлар мероси давлат музейини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинган, вақт алламаҳал бўлганига қарамай, Бухорога сим қўйд. Хўшхабарни эшитган Сулаймон Иноят бехиёт йилга юборди ва бундай деди: — Биласизми, қизим, бу хабар мени этти осмон қадар руҳлантди. Шундай кунлар келишини билардим. Жадид боболаримиз ҳақидаги маълумотларни бир неча йиллардан бери жамлаб, китоб нашр қилиш истагим бор эди. Айниқса, бобом Отаулла Хўжаевнинг жадидлар ғоясини амалга оширишдаги хизмати катта бўлган.

— Бобом ва амаким ўз мақсади йўлида ҳар қандай тўсиқ ва машаққатдан кўрқмайдиган жасоратли инсонлар бўлган, — дейди Сулаймон Иноят. — Уларидидаги мактаб ёшилгач, атрофдаги бошқа маҳалла ва қишлоқларда ҳам жадид мактаблари очилди. Илм ўрганиб, ўз ҳақ-хуққини, қадрини англай бошлаганлар ушбу мактабларни овоза қиладди. Айниқса, Ғиждунов, Шахрисабз ва Нуротада очилган янги усул мактаблари эл орасида шов-шув бўлади. Ахир илм нури кирган қалб уйғона бошлайди-да. Ўзининг ўтмиши, бугуни ва эртаси учун қайиради. Авлодлари муносиб издош бўлиб камолга етишини хоҳлайди.

Чиндан ҳам янги усул мактабларида таълим олганларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи ўзгаради. Энди улар маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мавзуларда муҳокама ва мунозаралар юрита бошлайди. Бу эса, албатта, шўро ҳукумати одамларига ёқмайди.

— Бобом ва катта бобом ашаган ҳовли бугун Жадидлар мероси музейига айлантирилганидан ниҳоятда хурсандман, — дейди Сулаймон Иноят. — Бу ҳовлининг эски суратлари мен учун жуда қадрли. Уларга термилганин сайин кўз олдимда маърифатпарвар боболарим сиймоси гавдаланаверади. Айниқса, бу қутлуғ ҳовлининг катта эгаси — бобом Пулатхўжа йирик савдогар бўлган. Фарзандларини ўқимишли, билимли қилишга жуда катта эътибор қаратган. У Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг илтимоси билан Музаффария мактабига ҳомийлик қилган.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, ўша даврда Отаулла Хўжаевга кўп азият етказилган. Икки марта зиндонбанд қилинган. Ҳибса олганидан аввал Отаулла Хўжаев “Еш бухороликлар” номидан III интернационал конгрессда қатнашиш учун Москвага юборилди. Қатъий фикр-мулоҳазали, таклифлари жўяли йигитни иштирокчилар ҳурмат қиладди. Отаулла Хўжаев Ленин билан учрашиб, туркистонлик ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини айтиш учун ўзида журят топади.

— 1920 йил августда бобом Бухорога қайтиб келди, — дейди Сулаймон Иноят. — Бухоро Халқ шўролар жумҳурияти ташкил этилганидан кейин Отаулла Хўжаев аввал ички ишлар вазири, кейин Файзулла Хўжаевнинг ёрдамчиси сифатида жумҳурият равақли йўлида жуда катта хизмат қиладди.



Ҳатто Файзулла Хўжаев сафарга кетган чоғлари давлатни бошқаришда бевосита иштирок этади.

Садоқатли меҳнати боис, давлат ишончига кира бошлаган Отаулла Хўжаев миллий озолик ҳаракати авж олган кезлари Шарқий Бухорога юборилди. У ўша ҳудудларга бориб, миллий озолик ҳаракати вакиллари билан алоҳида учрашади ва уларни давлатга садоқат билан хизмат қилишга қўндиради. Афсуски, бу келишувларнинг кўпи ҳорозда қолиб кетади.

— Ўша йиллари озолик ҳаракатини сезиб қолган шўролар Бухорода ўзгариш ва янгиланиш қилмоқчи бўлган барча зиёлиларни ҳукумат ишидан четлаштири бошлайди, — дейди Сулаймон ота. — Улар ўрнига саводсиз, сиёсий масалани тушунамайдиган, маълумоти ва саводи йўқ кишилар қўйилди. Шу мақсад йўлида ҳукумат тайинланган махсус гуруҳ Бухорога юборилди. Мазкур гуруҳ 23 июнда Абдурауф Фитрат, Отаулла Хўжаев, Мўйинжон Аминов ва Саттор Хўжани Бухородан бадарға қилди.

Ўзбекистон ССР ташкил этилган, Отаулла Хўжаев ногиронлар уюшмасида бошлиқ ўринбосари бўлиб иш бошлайди. Шу билан бирга,

бошқа хўжалик ишларини ҳам зиммасига олади. 1930 йили Кисловодскага юборилди. У Ўзбекистон санаторийси бошқаруви раиси бўлиб фаолият юритади. Орадан бир йил ўтгач, Бухорога қайтиб келиб, биринчи гастрономни куришга бел боғлайди. Гастроном куришга сифатида иш бошлаган пайти эса Бухорода вазири яна кескинлашади. Файзулла Хўжаевни айбаш учун қатор бухороликлар ҳибсага олинади. Улар қаторида Отаулла Хўжаев ҳам бор эди. Ўн ойга яқин давом этган терговда унга жуда кўп сохта айблар қўйилди.

Архив маълумотларида қайд этилишича, Отаулла Хўжаев ва яна 17 бухоролик фаол ўлимга ҳукм этилади. 1937 йил 25 октябрда Бўзсув канали атрофида отилади. Орадан анча муддат ўтиб, 1965 йил 2 декабрда оқланади.

— Узоқ йиллар давомида мана шу аждодларим шажарасини яратиб келган муваффақ бўлдим, — дейди Сулаймон Иноят. — Бироқ тўлаб юрган маълумот ва мақолаларимни сир сақладим. Президентимизнинг 2018 йил 16 февралда Бухорога таширифта айтган мана бу гапини эшитиб, қайта туғилгандек бўлдим: “Биз Файзулла Хўжаев ва унинг сафдошлари олдида қарздоримиз!”.

Қулогимга ишонмадим, боболаримнинг сарсон руҳини кучиб, алашим бўзимдан отилиб йилгладим: “Мен сизлар билан фахрланаман, жадид боболарим! Сизлар душман эмасиз! Сизлар миллат бирлиги, маърифати, маънавияти учун курашган халқ қаҳрамонисиз!”.

Сулаймон Иноят ва тарих фанлари доктори Қарамон Ражабов ҳаммуаллифлигида тайёрланган маълумот ва мақолалар тўпламини кўздан кечирар эканмиз, сулоланинг 300 га яқин вакили номи мужассам жамланмада уч буюк сиймо — Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятига оид ҳоризмат матбуотида нашр этилган кўплаб мақолалар ҳам борлигига ғувох бўлдим.

— Гул кўтариб, боболарим қабрини излаб юрган чоғларимдаги изтироблар аримоқда, — деди хайрлашув чоғида Сулаймон Иноят. — Музей ташкил этилаётган бу табаррук ҳовлига ҳар борганимда юрагимдаги армонларим, изтиробларим, соғинчларим ҳаққи, янада кўпроқ изланишимиз, меҳнат қилишимиз, жадид боболаримиз ғояларини қайта-қайта ёдга олиб қадам ташлашимиз зарурлигини ҳис қиламан.

Бу эътироф айни мақоламизга мос гўзал хулоса бўлди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Буюк маърифатпарвар боболаримиз томонидан олган суриланган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва эллар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишлар ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда барчамиз, аввало, ёшларимиз учунгина эмас, балки умуман, ўларнинг ҳаёти ва жасорати бугунги тинч ва осойишта кунларда осонлик билан эришганимизни эслаб, миллий истиқлолимизни, жонажон Ватанимизни кўз қорачиғида асрашга доимо даяват этиб туради!”.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Париж — 2024”

ЕНГИЛИДА ҲАМ, ОФИРИДА ҲАМ БИР ХИЛ НАТИЖА



Бўстонлик туманида дунёга келган Регина олти ёшидан бадий гимнастика билан шуғуллана бошлаган. Мураббийлари ундаги иштиёқни кўриб хайратланган. Устозларининг топширигини чақон ҳаракат билан моҳирона бажариши қизнинг келгусида етак спортчи бўлишдан дарак беради. Нафис спорт тури усулларини ўзлаштириб олиш учун анча вақт талаб этилади. Лекин Регинага икки-уч кўрсатма етарли эди. Ўша палладаёқ мураббий ҳаракатларини такрорлаб, ўзлаштириб олар, қисқа муддатда кейинги машғулотга ўтишга ҳозирлик кўраётган бўларди.

Бир йил тўғараққа қатнаб, яхши тажриба тўплади. Айрим мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларини эгаллади. Мураббийлари қиздаги иқтидор келгусида натижа беришини

ҳеч бир таҳминсиз айтарди. Қизалоқ 2-синфга ўтганида мураббийи бошқа жойга кўчиб кетиши билан бадий гимнастика тўғраги фаолияти ҳам тўхтади. Эндигина бу спорт турига мос-

лашган қизнинг мустақил шуғулланишдан ўзга чораси қолмади.

Бир оз улагича, спорт мактабидидаги энгил атлетика тўғрагига аъзо бўлди. Санжар Раҳмонов мураббийлигида ядро ва босқон, диск улоқтириш сирларини мукамал ўрганиб бори. Қизини юқорилиги боис, энгил атлетика машғулотларига ҳам тез мослашди. Айниқса, узоқ масофага босқон ёки диск улоқтириш кўникмасини ўз вақтида ўзлаштириб, тенгдошларига нисбатан яхши натижаларга эриша бошлади. Дастлаб туман ва шаҳар биринчиликларида иштирок этиб, рақибларини доғда қолдирди. Шундан сўнг мураббийи уни катта мусобақалар сари етаклади. Спортчи қиз мамлакат биринчиликларида қатнашиб, тажрибасини ошириб бори.

— Илк бор мамлакат мусобақасида қатнаганимда эндигина 7-синфга ўтгандим, — дейди Регина Адашбоева. — Ўшанда ядро улоқтиришда кучини синая кўриш учун имконият берилган. Ростини айтсам, анча ҳадиксирганман. Бундан ташқари, мураббийларим ишончини оқломай қўлишдан чўчиганман. Шундай бўлса-да, катталарнинг далласи билан ҳеч иккиланишсиз майдонга тушдим. Дастлабки уринишдаёқ кўрсаткичим ёмон бўлмаган. Аммо ўрин эгалламан деб ўйламаганман. Шу сабабли атлетларни тақдирлаш пайтида эътибор қилмай, томошабинлар орасида ўтириб, бошқаларни олқишлаб тургандим. Бир маҳал ядро улоқтирувчиларга навбат берилди.

Биринчи ўрин соҳибни сифатида меннинг исм-фамилиямни эълон қилиб қолишса бўладими! Ён-атрофга қараб, бир хил исм-фамилияли бошқа тенгдошим бўлса керак, дея жим ўтирганман. Мураббийим ёнимга келиб, қўлимдан етаклаб, олиб бораганида ўзимга ишонмангандим. Шоҳсупага кўтарилганимда олқишлаб, бўйинига олтин медаль тақиқди. Кўзимда эса қувонч ёши. Шу рағбат ортдан фақат гўлибликка эришадиган бўлдим.

Регина шу билан тўхтаб қолмади. Аксинча, у иштирок этган ҳар бир мусобақада бошқалар 1-ўринни эгаллай олмайидан бўлди. Ўша йиллари пойтахтимизда энгил атлетика бўйича Миллий олимпия қўмитаси соврини учун ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Регина ҳам рўйхатдан ўтади. Мусобақанинг биринчи кунини 17 ёшгача бўлган спортчи қизлар ўртасида босқон (3 кг) улоқтириш бўйича баҳсларда қўлланганда у 62,64 метр натижага қайи эди. Ушбу натижаси билан Ўзбекистоннинг янги рекордини ўрнатди. Қизқарли жихати, бунгача рекорд 2014 йили ўрнатилган бўлиб, ўшанда Гулрухсора Ҳошимова босқонни 53,54 метр узоққа улоқтирганди. Демак, Регина Адашбоева бу борадаги натижани 9 метрга яхшिलाди олди.

Енгил атлетика билан шуғулланиш давомида Регина Ўзбекистон чемпионатида ўттиз мартадан ортик гўлиб бўлди. Осн мусобақаларида саккиз қарра совринли ўринларни эгаллади.

Спортчи қиз саккиз йилга яқин бу спортда яхшигина натижаларни қўлга киритди. Шу вақт оралиғида унга оғир атлетика билан шуғулланиш борасида мутахассислар бир неча бор

таклиф берди. Бир оз қизиқиши борлиги сабаб охири оғир атлетика билан шуғулланишни мақсад қилди.

— 2021 йилдан оғир атлетикага ўтдим, — дейди Регина. —Кўпчилик бу осон эмаслигини айтиб, эплаб кетолмаслигини таъкидлади. Бироқ ортага қайтмадим. Шу йўлни танладим, энди удаллашим кераклигини ҳис қилган ҳолда олға интилдим. Кишида қизиқ бўлса, қолгани ҳеч гап эмас. Устозим Акрон Зайниддинов кўмағида аста-секин тош кўтаришни ўрганиб бордим. Гоҳида муаммоларга дуч келсам-да, барибир ташлаб кетмаслик учун катта куч билан машғулотларга берилдим. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмаган. Барча тўсиқлардан ўтиб, бу спорт турини ҳам мукамал эгаллашга интилдим.

Оғир атлетикада, асосан, силтаб ва даст кўтариш йўналишлари мавжуд. Бунинг учун ҳар бир шуғулланувчидан катта маҳорат ва ўзига хос куч талаб этилади. Бошида бунчалик оғир тошни кўтаришга ўзимда ҳам ишонч бўлмаган. Лекин астойдил интилиш барибир ўз самарасини кўрсатди. Бугун ҳеч иккиланишсиз белгиланган оғирликдаги тошни кўтара оляпман.

Дастлаб энгил атлетика йўлақларида мақтовга эришган натижалари билан яхши танилган полвон қиз оғир атлетикага ўтгач, ғалабли юришларини қанда қилмади. Шуғулланиши бошлаганига олти ой ўтмасдан оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатида гўлибликни қўлга киритди.

Ҳозирга қадар Регина оғир атлетика бўйича ўн марта Ўзбекистон биринчилигида олтин медалга сазовор бўлди. 2020 йилдан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Халқаро мусобақаларда -81 ва -87 килограмм вазн тоифаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келмоқда.

Шу вақтга қадар Осн чемпионатларида 4 та кумуш ва 2 та бронза, “Коня — 2021” Ислом бирдамлиги ўйинларида бронза ва Беларусда ўтган II МДХ ўйинларида кумуш медаль билан тақдирланди.

Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) эълон қилган Олимпиада рейтинг яқинига кўра, Регина Адашбоева -81 килограмм вазн тоифасида “Париж — 2024” ёғи олимпия ўйинлари йўлнамасини қўлга киритди. Айни пайтда у оғир атлетика бўйича мамлакатимиз терма жамоаси сафида Парижда ўтганда нуфузли мусобақага ҳозирлик кўрмоқда.

— Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳар бир спортчининг юксак озуғи, — дейди Регина. — Мен ҳам олдимга қўйган мақсадимга эришини арафасидаман. Энг асосийси, нафақат иштирок этаман, балки совринли ўринлардан бирини эгаллаб, юртимизга медаль билан қайтаман. Бунинг учун имкониятлар етарли.

Унинг шижоати ғалабалар томон етаклиши шубҳасиз. Шундай экан, Парижда бошқа вакилларимиз қатори Регинанинг самарали меҳнати эвазига юртимиз мадҳияси баралла янграшига ишонамиз.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2015. 44065 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов Мусахҳиш: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 85-уй